

## А Ж Р И М

2022 йил январь ойининг 17 куни жиноят ишлари бўйича Пайариқ туман судининг очиқ сайёр суд мажлиси, Пайариқ туманидаги 2-сон маданият уйи биносида бўлиб, раислик қилувчи судья С.Ш.Содиқов, судья ёрдамчиси С.А.Вахабовнинг котиблигида, томонлардан Пайариқ туман прокурори катта ёрдамчиси Б.Султоновнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми ва 25,273-моддаси 2-қисми билан судланган маҳкум Холмуратов Азамат Эргашовичга нисбатан тайинланган озодликни чеклаш жазосини ўталмаган қисмидан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақидаги Пайариқ туман ИИБ бошлиғининг тақдимномасини тўпланган ҳужжатлар билан бирга кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

### А Н И Қ Л А Д И :

Холмуратов Азамат Эргашович (Xolmuratov Azamat Ergashovich) 1964 йил 8 август куни Самарқанд вилояти Пайариқ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, муқаддам жиноят ишлари бўйича Пайариқ туман судининг 2019 йил 20 июнь кунги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми ва 25,273-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилиб, 5 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, 2 нафар фарзанди бор, Пайариқ тумани “Бунёдкор” маҳалла фуқаролар йиғини Истиқлол кўчаси 38-уйда яшайди.

Иш ҳужжатларига кўра, маҳкум А.Холмуратов жиноят ишлари бўйича Пайариқ туман судининг 2019 йил 20 июндаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми ва 25,273-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилиб, 5 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Суд ҳукми 2019 йил 1 июль куни Пайариқ туман ИИБ Пробация гуруҳи ҳисобига олиниб, ижрога қаратилган.

Судга, Пайариқ туман ИИБ томонидан тақдимнома киритилиб, унда маҳкум жазонинг иккидан бир қисмидан кўпроғини ўтаганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан ўталмай қолган озодликни чеклаш жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилиш сўралган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган маҳкум Холмуратов Азамат Эргашович ўз кўрсатувида, жиноят ишлари бўйича Пайариқ туман судининг 2019 йил 20 июндаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг



270-моддаси 1-қисми ва 25,273-моддаси 2-қисми билан 5 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланганлиги, жазони ўташ мобайнида белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилганини, бирор марта ҳам ҳуқуқбузарлик содир қилмаганлигини, суд томонидан белгиланган чекловларга амал қилаётганлиги, интизомий чора олмаганлигини, ҳозирда суд томонидан тайинланган жазосини иккидан бир қисмидан кўпроғини ўтаганлигини билдириб, ўталмай қолган озодликни чеклаш жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилишни сўради.

Суд мажлисида сўроқ қилинган Пайариқ тумани ИИО Пробация гуруҳи инспектори Б.Маминов ўз кўрсатувида, маҳкум А.Холмуратов жиноят ишлари бўйича Пайариқ туман судининг 2019 йил 20 июндаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми ва 25,273-моддаси 2-қисми билан 5 йил озодликни чеклаш жазосига тайинланганлиги, маҳкум А.Холмуратов жазони ўташ мобайнида белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилганлигини, бирор марта ҳам ҳуқуқбузарлик содир қилмаганини, суд томонидан белгиланган чекловларга амал қилаётганлиги, интизомий чора олмаганлигини, ҳозирда суд томонидан тайинланган жазосини иккидан бир қисмидан кўпроғини ўтаганлигини билдириб, ўталмай қолган озодликни чеклаш жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “б” бандида, маҳкум оғир жинояти учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан махрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиниши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, иш ҳужжатларини таҳлил қилиб, Пайариқ туман прокурори катта ёрдамчиси Б.Султоновнинг фикрини тинглаб, маҳкум А.Холмуратов жазони ўташ мобайнида жазо тури учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарганлиги, бирор марта ҳуқуқбузарлик содир қилмаганлигини ва суд томонидан тайинланган жазони икки бир қисмини ўтаганлигини инobatга олиб, ўталмай қолган 2 йил 5 ой 22 кун озодликни чеклаш жазосидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан муддатидан илгари шартли озод қилишни ва Пайариқ туман ИИБнинг тақдимномасини қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 541-542 моддаларига қўлланилиб, суд,

#### А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Пайариқ тумани ИИБ бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Жиноят ишлари бўйича Пайариқ туман судининг 2019 йил 20 июндаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми ва 25.273-моддаси 2-қисми билан 5 йил озодликни чеклаш жазосини ўтаб қилаётган маҳкум Холмуратов Азамат Эргашович (Holmuratov Azamat zashovich) ўталмай қолган 2 (икки) йил 5 (беш) ой 22 (йигирма икки) кун



озодликни чеклаш жазосидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан муддатидан илгари шартли озод қилинсин.

Маҳкум А.Холмуратовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 5-қисми талаби тушунтирилсин.

Ажримдан норози томонлар йигирма сутка муддат ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг апелляция инстанцияси судлов ҳайъатига хусусий шикоят ёки хусусий протест келтиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи:

С.Ш.Содиқов



Ҳужжат имзоланган: Содиқов Собир Шухратович, 22.01.2022

